

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 3 ” октябрь №ПҚ-4472 “ ” 20 г.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини
ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, республика давлат органлари ва ташкилотларида кадрлар маъмуриятчилигининг замонавий усуллари илғор халқаро стандартларга мувофиқ жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги филиалларининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги) директорига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарур ҳолларда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, шу жумладан унинг марказий аппарати ташкилий тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган сони ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига юкланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида малакали ва юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан хорижда яшаётган ватандошларни Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг раҳбар лавозимларига ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ходимлари учун лавозим маошларига (тариф ставкаларига) устамалар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни белгилаш.

3. Қуйидагилар Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Жамғарма маблағлари;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак воситалари ва грантлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Белгилансинки:

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори уч нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосарига, директор ўринбосари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарига тенглаштирилади;

давлат фуқаролик хизматчиларидан иборат бўлган Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ходимлари Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ходимлари учун белгиланган моддий рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий хизмат кўрсатиш шартлари татбиқ этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Д. Кудбиев икки ой муддатда Давлат хизматини ривожлантириш агентлигини зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур касбий билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришни таъминласин.

7. Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига қуйидаги ваколатлар берилсин:

давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши бўйича қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини, зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимларини жалб қилган ҳолда ўрганиш;

давлат органлари ва ташкилотларига давлат фуқаролик хизмати соҳасида ишларни такомиллаштириш бўйича кўриб чиқиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни белгиланган тартибда киритиш;

давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида ёзма огоҳлантириш эълон қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан статистик, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг давлат фуқаролик хизмати масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлислари, йиғилишлари ва ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;

ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

давлат органлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги қонун ҳужжатларига зид ҳужжатларини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.

8. Маълумот учун қабул қилинсинки, давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар бўлинмалари республикада кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизматининг замонавий тамойилларини жорий этишда энг муҳим бўгин ҳисобланади.

Қуйидагилар давлат органлари ва ташкилотлари **кадрлар бўлинмаларининг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда **кадрларни саралаб олиш ва жой-жойига қўйишнинг максимал даражада шаффоф ва адолатли тартибини** жорий этиш;

муваффақиятли хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда **менежментнинг замонавий тизимлари асосида кадрлар билан ишлаш механизмини** такомиллаштириш;

кадрларни бошқариш соҳасида **ходимлар таркибининг сон ва сифат хусусиятлари давлат органлари ва ташкилотлари олдида турган вазифаларга мувофиқ келишига** эришиш ва уни сақлаб қолишга йўналтирилган сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг **меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжларини** давлат органлари ва ташкилотлари олдида турган вазифаларга, уларни ривожлантириш стратегияларига, шунингдек, меҳнат бозоридаги ўзгариб бораётган ташқи ва ички конъюнктурага мос равишда **қаноатлантириш**;

давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари учун **мансаб поғоналаридан кўтарилишда** меҳнат фаолиятини ахлоқ-ирода сифатлари, иқтидори ва кўникмаларини **объектив баҳолашга асосланган тенг имкониятлар яратиш;**

кадрлар салоҳиятини доимий ривожлантириш ва максимал тўлиқ иштирок этишини таъминлаш асосида давлат органлари ва ташкилотлари олдида турган вазифаларга эришишда ҳар бир ходимнинг шахсий ҳиссасини оширишда кўмаклашиш;

давлат фуқаролик хизматчиларида **юксак касбий одоб-ахлоқни**, коррупцияга қарши туриш маданиятини ва **унга тоқат қилиб бўлмайдиган муносабатни** шакллантириш бўйича таъсирчан чораларни кўриш;

мунтазам асосда кадрларнинг профессионал даражасини ошириш, бунда уларнинг узлуксиз таълим олишини (соҳага оид ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда), шу жумладан хорижда ташкил этиш.

9. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда **уч ой муддатда** давлат органлари ва ташкилотларининг ўрта ва қуйи бўғинидаги энг истиқболли ходимларнинг камида 1000 нафарини 3 ойдан 6 ойгача бўлган муддатда Корея Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа мамлакатлари ва бошқа ривожланган хорижий давлатларга стажировкага босқичма-босқич юбориш бўйича беш йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилишини таъминласин.

Белгилансинки:

хорижий стажировкани ўтаётган шахсларга, стажировка ўтаётган мамлакатдаги Ўзбекистон Республикаси элчиси меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорининг 60 фоизи миқдорида ўртача ойлик иш ҳақи тўланади;

хорижий стажировкани ўташ учун юборилаётган шахслар ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва юбораётган давлат органи ёки ташкилоти ўртасида томонларнинг мажбуриятлари, шу жумладан юборилаётган шахс томонидан стажировка тугагандан сўнг давлат органи ва ташкилотида камида икки йил ишлаб бериш мажбурияти баён этилган контракт тузилади;

мазкур бандни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари, хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа донорларнинг техник кўмаги ва грантлари ҳисобидан қопланади.

10. Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, янги компетенцияларни ўргатишни ташкил этиш мақсадида илғор жаҳон стандартлари асосида жиҳозланган Давлат фуқаролик хизматчилари малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги икки ой муддатда ушбу банднинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

11. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй, 1-корпус манзили бўйича жойлаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги таъминоти учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағлар ажратсин ҳамда 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин, шунингдек, 6 дона, шу жумладан 4 дона шахсий бириктирилган хизмат енгил автомобилларини сақлаш учун лимит белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги филиалларини жойлаштириш ва уларга ҳар бир худудга 1 дона автотранспорт ҳисобидан хизмат автотранспорт воситалари харид қилиш учун зарур бўлган пул маблағлари ажратилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва унинг филиалларини юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишини, шунингдек, зарур алоқа, жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**




Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**




**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги марказий аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 3 октябрдаги ПҚ–4472-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги филиалларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 3 октябрдаги ПК-4472-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини
ривожлантириш агентлиги тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги)нинг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва масъулияти, фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига бевосита бўйсунди ва унга ҳисоб беради.

3. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат органлари ва ташкилотларида инсон ресурсларини ривожлантириш ҳамда ходимларни бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган давлат фуқаролик хизмати ишлари бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади.

4. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ўз номи ёзилган ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган муҳр ва бланкларга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ҳисобварақларига эгадир.

5. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг расмий номланиши:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, қисқартирилган номи – Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Agency for the Development of Public Service Under the President of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи – Public Service Agency;

в) рус тилида:

тўлиқ номи – Агентство развития государственной службы при Президенте Республики Узбекистан, қисқартирилган номи – АРГОС.

8. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги жойлашган жой (почта манзили): Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй, 1-корпус.

2-боб. Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг тузилмаси

9. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги тизимида қуйидагилар киради:

Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг марказий аппарати;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг филиаллари.

10. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги филиаллари юридик шахс ташкил этмасдан маҳаллий ижро ҳокимияти органларидан, бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда ҳамда бевосита Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига бўйсунган ҳолда фаолият юритади.

3-боб. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва унинг филиаллари асосий вазифалари ҳамда функциялари

11. Қуйидагилар Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат фуқаролик хизмати трансформациясининг ғоявий платформасини, уни ривожлантириш дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизмати соҳасида ягона сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг давлат кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш жараёнлари ва истикболларини мониторинг ва таҳлил қилиш ҳамда ушбу соҳадаги муаммолар ва таҳдидларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

очиклик, профессионаллик ва ҳисобдорлик тамойилларига асосланган ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришнинг инновацион усуллари жорий этиш;

Миллий кадрлар захирасини бошқариш, Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрини юритиш, шунингдек, давлат хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очик порталини ташкил этиш ва юритиш;

давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ўлчанадиган индикаторлари (энг муҳим кўрсаткичлари) тизимини жорий этиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очик рейтингини шакллантириш;

малакали ва юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан хорижда яшаётган ватандошлар орасидан аниқлаш ва жалб этиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматига иқтидорли ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш;

энг истиқболли кадрларни давлат фуқаролик хизматига очик мустақил танлов асосида қабул қилишни ташкиллаштириш;

давлат фуқаролик хизматчиларида юксак касб этикаси, коррупцияга тоқатсиз муносабатни ва унга қарши курашиш маданиятини шакллантириш;

давлат фуқаролик хизмати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уни изчил такомиллаштириб бориш, давлат фуқаролик хизматчилари шахсий маълумотларининг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда улар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш;

давлат фуқаролик хизматчиларининг иш берувчилар билан ўзаро муносабатларида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, меҳнат фаолияти ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш.

12. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) давлат фуқаролик хизмати трансформациясининг ғоявий платформасини, уни ривожлантириш дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизмати соҳасида ягона сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлаш соҳасида:

замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ давлат фуқаролик хизмати трансформациясининг ғоявий платформаси ва давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги сиёсатнинг асосий йўналишларини шакллантириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантиришга, ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида илғор халқаро стандартлар ва энг яхши хориж амалиётларини жорий этишга қаратилган давлат дастурлари ҳамда лойиҳаларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ташкилий тузилмасини уларнинг бўлинмалари ишини самарали ташкил этиш, бир-бирини такрорловчи вазифа ва функцияларни бекор қилиш нуктаи назаридан таҳлил қилади ва улар фаолиятини оптималлаштириш бўйича таклифлар киритади;

давлат фуқаролик хизмати, шу жумладан кадрларга оид иш юритиш, давлат фуқаролик хизматчиларининг маълумотлар базасини шакллантириш

масалаларида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига услубий раҳбарликни амалга оширади;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритади;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантиришга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда давлат органлари ва ташкилотларига кўриб чиқиш учун киритади;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларни тақсимлайди, улардан самарали, мақсадли ва оқилона фойдаланилишини назорат қилади;

б) давлат органлари ва ташкилотларининг давлат кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматини ривожлантиришга оид бошқа масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

давлат фуқаролик хизмати масалаларида давлат органлари ва ташкилотларига тушунтиришлар беради ва зарур ёрдам кўрсатади;

давлат фуқаролик хизмати кадрларини шаффоф равишда ва адолатли саралаб олиш ҳамда жой-жойига қўйишни таъминлаш, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқади;

кадрлар таркибининг сон ва сифат жиҳатидан давлат органлари ва ташкилотларининг мақсадларига мувофиқ келишига эришиш ва уни сақлаб қолишда давлат органлари ва ташкилотларига кўмаклашади;

в) давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш жараёнлари ва истиқболларини мониторинг ва таҳлил қилиш ҳамда ушбу соҳадаги муаммолар ва таҳдидларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

давлат фуқаролик хизмати соҳасида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини тизимли асосда мониторинг қилади, аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш чораларини кўради;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш жараёнлари ва истиқболларини таҳлил қилади ва унинг натижалари бўйича соҳадаги нуқсонларни бартараф этишга қаратилган таклифларни тайёрлайди;

давлат органлари ва ташкилотларининг меҳнат ресурсларига бўлган сон ва сифат жиҳатидан ҳақиқий талаб-эҳтиёжларини ўрганади ва прогнозлаштиради;

давлат фуқаролик хизмати соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таъсири самарадорлигини баҳолайди;

давлат фуқаролик хизматининг ҳолати, ривожланиш жараёнлари ва истикболлари, ушбу соҳадаги қонунчилик ижросининг бориши тўғрисида ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлайди;

давлат фуқаролик хизмати статистикасини юритади, давлат фуқаролик хизматчиларининг марказлаштирилган ҳисобини юритади;

ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш учун давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги статистик ҳисобот шакллари ишлаб чиқади;

г) ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришга инновацион услубларни жорий этиш соҳасида:

мақсадли кўрсаткичларга эришиш самарадорлиги ва натижадорлиги нуктаи назаридан давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ресурслари ва кадрлар салоҳиятидан фойдаланишини баҳолайди;

давлат органлари ва ташкилотлари жамоаларида ахлоқий-руҳий ҳолатни ўрганади, муҳитнинг ёмонлашувига имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайди, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

кадрлар ўз салоҳиятини тўла-тўқис намоён этиши учун муносиб шарт-шароитларни яратишда давлат органлари ва ташкилотларига кўмаклашади;

кадрларнинг профессионал сифатлар ва хизматларни адолатли ҳамда ҳолисона баҳолашга асосланган лавозим бўйича ўсишида давлат органлари ва ташкилотларида тенг имкониятлар таъминланиши устидан назоратни амалга оширади;

кадрларнинг меҳнат салоҳиятини доимий ривожлантириш ва уни тўлиқ ишга солиш асосида давлат органи ва ташкилоти мақсадларига эришишда ҳар бир ходимнинг шахсий ҳиссасини оширишда кўмаклашади;

инсон ресурсларини бошқариш ва кадрлар салоҳиятини оширишнинг инновацион услубларини излайди ва ўрганади, кейинчалик уларни Ўзбекистон шароитида татбиқ этади;

энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (ЭМСК) асосида давлат хизматчилари фаолиятининг натижадорлигини баҳолаш тартибини белгилайди;

давлат фуқаролик хизматчиларининг рақобатбардошлигини инобатга олган ҳолда инсон ресурсларини бошқаришга инновацияларни жорий этиш ва кадрлар салоҳиятини ошириш натижаларини баҳолаш методикасини ишлаб чиқади;

давлат фуқаролик хизматида инновацион услубларни татбиқ қилиш, давлат фуқаролик хизматчилари ишида буйруқбозликка барҳам беришнинг самарали йўллари ва механизмларини белгилайди;

кадрларнинг профессионал даражасини (соҳага оид ва юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда) мунтазам равишда ошириб боришни ташкиллаштиради, шу жумладан хорижий давлатларда;

д) Миллий кадрлар захирасини бошқариш, Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрини юритиш соҳасида:

Миллий кадрлар захирасини бошқариш ва Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри юритилишини таъминлайди;

барча тоифалардаги давлат фуқаролик хизматчилари Давлат хизмати лавозимларининг давлат реестри билан камраб олинганлигини таҳлил этади;

Миллий кадрлар захирасига киритиш учун давлат хизматчилари тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида, тўлиқ ва ҳаққоний тақдим этилиши юзасидан давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Миллий кадрлар захираси ва Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри юритилишини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очик порталини ташкил этади ва унинг доимий янгиланган ҳолатда бўлишини таъминлайди;

е) давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ўлчанадиган индикаторлари (энг муҳим кўрсаткичлари) тизимини жорий этиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш:

давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида фойдаланиладиган ўлчанадиган индикаторлар (энг муҳим кўрсаткичлар) ишлаб чиқиши таъминлайди;

ўлчанадиган индикаторлар (энг муҳим кўрсаткичлар)ни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига раҳбарлик қилади ва услубий ёрдам кўрсатади;

давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигининг ўлчанадиган индикаторлари (энг муҳим кўрсаткичлар) кўрсатган натижалар таҳлилининг ҳолислиги ва ҳаққонийлигини назорат қилади;

давлат фуқаролик хизматчилари кўрсатган ўлчанадиган индикаторлар (энг муҳим кўрсаткичлар) натижаларини таҳлил қилади;

давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятдан қониқиш даражасини баҳолашнинг замонавий услубларидан фойдаланади, шу жумладан жамоатчилик фикрини ўрганади, статистика ва ижтимоий тадқиқотларни таҳлил қилади;

давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш якунлари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очик рейтингини шакллантиради;

ж) малакали ва юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан хорижда яшаётган ватандошлар орасидан аниқлаш ва жалб этиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматида иқтидорли ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш соҳасида:

истикболли мутахассислар, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизлар, хорижда яшаётган ватандошлар орасида давлат фуқаролик хизматининг ижобий тимсолини шакллантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлайди;

давлат органлари ва ташкилотларига малакали ва юқори малакали мутахассисларни жалб этиш борасида давлат органлари ва ташкилотларидаги ишлар ҳолатини мониторинг қилади;

муҳим илмий ва амалий тажрибага эга бўлган, чет эллардаги нуфузли саноат, молия, илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа ташкилотларда ишлаётган ватандошлар билан алоқа ўрнатади;

давлат фуқаролик хизматчилари лавозимларида ишлаш учун талаб юқори бўлган хорижлик олимлар, ўқитувчилар, муҳандислар ва бошқа мутахассисларни жалб этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни жалб этиш бўйича чоралар кўради;

малакали ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш соҳасида ривожланган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг нуфузли таълим ва илмий марказлари билан алоқаларни изчил йўлга қўйиш ва улар билан ҳамкорликни ривожлантиришни таъминлайди;

илғор хорижий таълим муассасаларида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ва хорижий мутахассисларни жалб этиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

з) энг истикболли кадрларни давлат фуқаролик хизматида очик мустақил танлов асосида қабул қилишни ташкиллаштириш соҳасида:

ўз амалиёти ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда давлат фуқаролик хизматида саралаб олишнинг асосий параметрларини ишлаб чиқади ва такомиллаштиради;

мустақиллик, одиллик ва шаффофлик тамойиллари асосида Миллий кадрлар захирасига кадрларни танлов асосида қабул қилишни ташкиллаштиради;

давлат фуқаролик хизматида танлов асосида саралаб олишни ўтказиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш бўлинмалари ишини мувофиқлаштиради;

танлов асосида давлат фуқаролик хизматига кираётган давлат хизматчиларининг хизматга оид фаолиятини мониторинг қилади, шу жумладан уларни давлат хизматидан бўшатиш тўғрисидаги масалани келишади;

и) давлат фуқаролик хизматчиларида юксак касб этикаси, коррупцияга тоқатсиз муносабатни ва унга қарши курашиш маданиятини шакллантириш соҳасида;

давлат фуқаролик хизматчиларида юксак касб этикасини, коррупцияга тоқатсиз муносабатни ва унга қарши курашиш маданиятини шакллантириш бўйича таъсирчан чораларни кўради;

давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш, давлат фуқаролик хизматчиларига юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни сингдириш дастурлари ишлаб чиқирилишини таъминлайди;

давлат фуқаролик хизматчиларининг оиласида соғлом ахлоқий-рухий муҳитни шакллантириш, оилавий можароларнинг давлат фуқаролик хизматини ўташга таъсир қилишига йўл қўймаслик бўйича тизимли тушунтириш ишларини ташкиллаштиради;

к) давлат фуқаролик хизматига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уни такомиллаштириш ҳамда давлат фуқаролик хизматчилари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш соҳасида;

давлат фуқаролик хизматининг ягона электрон ахборот-таҳлилий тизими фаолият юритишини таъминлайди;

Миллий кадрлар захираси, бўш иш ўринлари ва лавозимларни эгаллаш учун танловлар, давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг сон ва сифат таркиби тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базасини шакллантиради;

инсон ресурсларини бошқариш ва кадрлар салоҳияти даражасини ошириш миллий ахборот тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларини ишлаб чиқади;

давлат хизмати электрон ахборот-таҳлилий тизимининг бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

давлат хизматчилари шахсий маълумотларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли чораларни кўради;

л) давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, уларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш соҳасида;

давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонун талабини бузган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда давлат органлари ва ташкилотларига таклифлар киритади;

давлат фуқаролик хизматчиларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;

давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар тайёрлайди.

13. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги филиалларининг инсон ресурсларини ривожлантириш ҳамда ҳудудлардаги давлат органлари ва ташкилотлари ходимларини бошқаришга йўналтирилган асосий вазифалари ва функциялари Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори томонидан белгиланади.

4-боб. Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

1-§. Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этиш бўйича қонун ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишини, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари ходимларини жалб этган ҳолда ўрганиш;

давлат органлари ва ташкилотларига давлат фуқаролик хизмати соҳасида ишларни такомиллаштириш бўйича кўриб чиқиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни белгиланган тартибда киритиш;

давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида ёзма огоҳлантириш эълон қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан статистик, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг давлат фуқаролик хизмати масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлислари, йиғилишлари ва хайъат мажлисларида иштирок этиш;

ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

давлат органлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги қонун ҳужжатларига зид ҳужжатларини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

давлат фуқаролик хизмати соҳасида илмий ва амалий тадқиқотлар ҳамда ишланмаларни амалга ошириш бўйича лойиҳаларни саралаб олиш учун танловлар эълон қилиш ва танлов комиссияларини тузиш;

давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги илмий ва амалий тадқиқотларга йўналтирилаётган бюджет молиявий ресурсларини тақсимлашда иштирок этиш;

давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги кадрларни тайёрлаш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, янги компетенцияларни ўргатиш учун белгиланган тартибда идоравий илмий ва ўқув марказларини ташкил этиш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш масалаларини ёритиш учун матбуот органларини таъсис этиш;

ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва унинг идоравий тузилмаларига тегишли давлат мулкни белгиланган тартибда бегараз фойдаланиш ҳуқуқи билан бир бўлинмадан бошқа бўлинмага топшириш;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, унинг таркибий бўлинмалари ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги тизимида қирувчи ташкилотларнинг моддий-техник базасини яхшилаш чораларини кўриш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ижтимоий инфратузилмасини барпо этиш ва такомиллаштириш.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилиши юзасидан жавобгар бўлади.

2-§. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги филиалларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

16. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги филиаллари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишини, шу жумладан давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмаларида давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини ўрганиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмаларининг мансабдор шахсларига давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида ёзма равишда огоҳлантиришлар эълон қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмалари раҳбарларига аниқланган қонун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича белгиланган муддатларда ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмаларидан статистик, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмаларининг давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш, давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлислари, йиғилишлари, хайъатларида иштирок этиш.

17. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги филиаллари қуйидаги мажбуриятларга эга:

давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги қонун ҳужжатлари, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори ва унинг ўринбосарлари топшириқлари, шунингдек, зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

тегишли ҳудудда давлат фуқаролик хизматининг ҳолати тўғрисида Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотни тақдим этиш.

5-боб. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги раҳбарларининг функционал мажбуриятлари

18. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ унинг раҳбарлари қуйидаги функционал мажбуриятларни бажарадилар:

а) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори:

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавобгар бўлади;

Ўз ўринбосарлари ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, унинг филиаллари ва идоравий ташкилотлари бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини ҳамда шахсий жавобгарлик даражасини белгилайди;

Ўз ваколати доирасида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, унинг филиаллари ва идоравий ташкилотларининг ходимлари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва бошқа қарорлар қабул қилади;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги марказий аппаратининг харажатлар сметасини ва белгиланган штатлар сони доирасида штатлар жадвалини тасдиқлайди;

Белгиланган штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги марказий аппаратининг тузилмасига ўзгартиришлар киритади;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва унинг филиаллари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Ижро интизомига, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқиш муддатлари ва тартибига қатъий риоя этилишини таъминлайди;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функционал мажбуриятларни бажаради;

б) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори ўринбосарлари:

Давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва сифатли тайёрлашни ташкил этиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг топшириқларига биноан давлат фуқаролик хизматини ривожлантиришга оид дастурий ҳужжатларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига мувофиқ Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг тегишли бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўзлари мутасаддилик қилаётган Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги марказий аппарати таркибий бўлинмаларида кадрлар захирасини шакллантириш бўйича ишларни тизимли асосда ташкиллаштиради;

қонун ҳужжатлари ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг қарорларига мувофиқ бошқа функционал мажбуриятларни бажаради;

в) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари:

таркибий бўлинма тўғрисидаги низомга мувофиқ аниқ йўналишлар бўйича вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

ўзлари мувофиқлаштираётган соҳаларнинг ривожланиш ҳолатини баҳолайди ва амалга оширишнинг самарали механизмлари билан уларни янада ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги раҳбариятига киритади;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги раҳбариятининг буйруқлари, фармойишлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатлари ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг қарорларига мувофиқ бошқа функционал мажбуриятларни бажаради;

г) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги филиалларининг раҳбарлари:

юклатилган вазифаларга, шунингдек, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги раҳбариятининг топшириқларига мувофиқ филиалларнинг фаолиятини ташкил этадилар;

худудда давлат фуқаролик хизматининг ривожланиши, давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳолатига баҳо беради ва зарур ҳолларда, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги раҳбариятига тегишли таклифларни киритади;

қонун ҳужжатлари ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг қарорларига мувофиқ бошқа функционал мажбуриятларни бажаради.

6-боб. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги раҳбарларининг жавобгарлиги

19. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори:

мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги зиммасига юкланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ишидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилиши;

амалга оширилаётган дастурлар, стратегия ва концепцияларда кўзланган натижаларга эришилиши, уларнинг давлат фуқаролик хизматини ривожлантиришга таъсири;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги тизимида ижро интизомига риоя этилиши юзасидан жавобгар бўлади.

20. Директор ўринбосарлари:

ишониб топширилган йўналишлар ва соҳалар бўйича вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида бажарилиши ҳамда натижадорлиги;

мутасаддилик қилинаётган йўналишлар бўйича соҳаларнинг барқарор ривожланишини таъминлашга оид кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан жавобгар бўлади.

21. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги филиалларининг бошлиқлари:

юклатилган вазифа ва функцияларнинг сифатли бажарилишини ташкил этиш;

тегишли ҳудудда давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги қонунчилик, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги раҳбарларининг топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

тегишли ҳудудда давлат фуқаролик хизматининг ҳолати тўғрисида Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш юзасидан жавобгар бўлади.

7-боб. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш

1-§. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги раҳбарияти

22. Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат хизмати ва ҳокимият вакиллик органлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси – Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори раҳбарлик қилади.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимидан озод этиладиган уч нафар ўринбосарларга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга.

23. Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг давлат фуқаролик хизматчиларидан иборат бўлган ходимлари, шу жумладан унинг филиаллари бошлиқлари ва ходимлари Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этиладилар.

2-§. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги хайъати, бошқа кенгаш ва консультатив эксперт органлари

24. Давлат хизматини ривожлантириш агентлигида директор, директорнинг биринчи ўринбосари, директор ўринбосарлари, шунингдек, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи унинг таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда хайъат ташкил этилади.

Хайъат:

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва топшириқлари сифатли бажарилишини ташкил этиш;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш дастурлари, стратегия ва концепцияларини амалга оширишнинг самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади.

Хайъат Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳукукига эга.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги хайъатининг йиғилишларига давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари таклиф этилади.

Хайъат унинг таркибидаги аъзолар ярмидан кўпроғи иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Хайъат қарорлари Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг буйруқлари ва хайъат баённомалари билан амалга оширилади. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори билан хайъат аъзолари ўртасида келишмовчилик юзага келган тақдирда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори мустақил равишда қарор қабул қилади.

Хайъат фаолиятининг тартиби хайъат томонидан тасдиқланадиган регламент билан белгиланади.

25. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳузурида директорнинг биринчи ўринбосари (Кенгаш раҳбари), Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги алоҳида таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ва мутахассислари, шунингдек, жамоатчилик ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг таниқли вакилларида иборат таркибда Давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил этилади.

Жамоатчилик кенгашининг аъзолари сони, шахсий таркиби ва низоми Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Жамоатчилик кенгаши мажлисида қабул қилинган қарор асосида Кенгаш раисига унинг шахсий таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳукуқи берилади.

Қуйидагилар Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат фуқаролик хизматини янада ривожлантиришга, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчисининг мақоми оширишга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни муҳокама қилиш;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш, давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қўшимча кафолатларни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурий ҳужжатларнинг амалий ижроси механизмларини танқидий кўриб чиқиш;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантиришнинг қонунчилик базасини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқишда, шу жумладан ишлаб чиқиладиган ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига кўриб чиқиш учун киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини муҳокама қилиш йўли билан иштирок этиш.

8-боб. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари

26. Қуйидагилар:

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори, директорнинг биринчи ўринбосари, директор ўринбосарлари, марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг бошлиқлари фаолияти самарадорлиги – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан белгиланадиган фаолият самарадорлигини баҳолашнинг интеграциялашган кўрсаткичлари асосида баҳоланади;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги филиаллари бошлиқлари ва ходимларининг фаолияти самарадорлиги – Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори томонидан тасдиқланадиган фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари асосида баҳоланади.

9-боб. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини молиялаштириш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш

27. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ходимлари учун белгиланган моддий рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий хизмат кўрсатиш шартлари татбиқ этилади.

28. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва унинг филиаллари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

ойлик, чораклик, ярим йиллик, йиллик иш якунлари бўйича прогноз кўрсаткичларни бажарганлик ва ошириб бажарганлик учун, шунингдек, байрам кунлари мукофотлаш;

алоҳида муҳим топшириқларни бажарганлик учун якка тартибда мукофотлаш ва бошқа рағбатлантириш тўловлари;

бириктирилган иш соҳасининг мураккаблиги ва муҳимлиги ҳамда меҳнатда эришган юқори натижалари учун ходимнинг лавозим маошига устамалар тўлаш;

хизмат мажбуриятларини бажаришдаги алоҳида хизматлари учун, юбилей саналари ва пенсияга чиқиши муносабати билан қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва унинг филиаллари ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устамалар;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва унинг филиаллари ходимларига Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан белгиланадиган тартибда уй-жой ва автотранспорт воситаларини сотиб олиш кредитлари бўйича бошланғич бадални тўлаш учун базавий ҳисоб-китоб миқдорининг икки юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда фоизсиз қарз тақдим этиш;

ўз турар жойига эга бўлмаган Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва унинг филиаллари ходимларига уй-жойни ижарага олиш шартномалари бўйича харажатларини Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан белгиланадиган тартибда қоплаш.

29. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва унинг филиаллари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги қошидаги Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

йил давомидаги иш якунлари бўйича лавозим маошининг беш бараваригача миқдорда мукофот пули;

бошқа устамалар ва тўловлардан қатъи назар лавозим маошларига ҳар ой устамалар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар тўланади.

Мазкур бандда назарда тутилган моддий рағбатлантириш тадбирлари миқдори ва уларни тўлаш тартиби Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан белгиланади.

30. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ходимларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан уларнинг лавозим маошига 400 фоизгача миқдорда шахсий устамалар белгилашга ҳақлидир. Шахсий устамалар миқдорини белгилашда меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткаси бўйича тариф коэффициентлари билан бир қаторда Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармасидан бериладиган

шахсий устамалар, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари давлат хизматчиларининг лавозим маошларига нисбатан меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти ҳам лавозим маоши ҳисобига киритилади.

31. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ходимлари меҳнат фаолиятини тўхтатганларидан сўнг уларга аввалги иш жойи бўйича эгаллаган ёки унга тенг бўлган лавозим бериш кафолатлари таъминланади, ходимнинг малакаси етарли эмаслиги ёки соғлиғи туфайли ёхуд ўз функционал мажбуриятларини бузганлиги оқибатида бажариладиган ишга номувофиқлиги учун меҳнат фаолияти тўхтатилган ҳоллар бундан мустасно.

**10-боб. Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тегишли
бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдидаги
ҳисобдорлиги**

32. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига белгиланган тартибда юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини киритади;

давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш учун давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш бўйича таклифлар ва тавсиялар тайёрланишини таъминлайди;

белгиланган тартибда бошқа функцияларни амалга оширади.

33. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги филиаллари ҳар чоракда чуқур таҳлиллар асосида қўйилган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида умумлаштирилган таҳлилий ахборотни, шунингдек, аниқланган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича асослантилган таклифларни Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига киритади.

34. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳар чоракда республикада давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш ҳолати тўғрисидаги таҳлилий материалларни, шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади.

35. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ўз веб-сайтида ҳар чорак якунларига кўра тегишли ҳисобот даврида республикада давлат фуқаролик хизматининг ривожланиш ҳолати тўғрисида пресс-релиз эълон қилиб боради.

11-боб. Якунловчи қондалар

36. Давлат хизматини ривожлантириш агентлигини қайта ташкил қилиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

